

## **Жаҳон банки иштирокида “Ўзбекистонда COVID-19 коронавирус инфекциясига қарши қурашиш бўйича шошилинч чора · тадбирлар” лойиҳаси**

Лойиҳа Жаҳон банкининг СОВИД-19га қарши чоралар кўриш Глобал ташаббуси доирасида тайёрланган, Ўзбекистоннинг Халқаро Тараққиёт Ассоциацияси (ХТА) ва Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт Банки (ХТТБ) томонидан қўшимча молиялаштирилиши ҳисобидан, СОВИД-19 га тез жавоб бериш Механизми (ФТСФ) йўналишида молиялаштирилади.

Дунё бўйлаб одамлар СОВИД-19 пандемияси билан курашаётган бир пайтда, Жаҳон банки гурӯҳи, мамлакатларга пандемияга қарши курашишда ёрдам беришни қўллашини қўйидаги тўртта устувор йўналишга эътибор қаратиб тезда мослаштириди:

- пандемия таҳди迪 остида қолган одамларнинг ҳаётини сақлаб қолиш;
- аҳолининг кам та’минланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламларини ҳимоя қилиш;
- иқтисод тикланишини жадаллаштириш учун асос яратиш.

*«Ривожланаётган давлатлар мисли кўрилмаган саломатлик, ижтимоий ва иқтисодий инқизотга дучор бўлиб, ўнлаб ийллик тараққиётни хавф остига қўяётган бир пайтда, биз заарни чекловчи тез ва кенг қамровли чора·тадбирларни аниқлаш ва мамлакатлар тикланиб кетиши учун уларни амалга ошириш устида фаол ишлайпмиз. Биз соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамловчи, энг камбағал уй хўжаликларини ҳимоя қилувчи, иқтисодиёт асосларини қўллаб-қувватловчи, тенгиззикларга қарши курашувчи ҳамда кучли ва барқарор тикланишини таъминловчи дастурлар орқали мамлакатларга пандемияни енгишда ёрдам беришга эътибор қаратмоқдамиз».*

**Жаҳон банки гурӯҳи президенти Девид Малпасс**

Ўзбекистондаги миллий ҳамкорлар билан яқин ҳамкорликда соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлашда Банк томонидан кўмак кўрсатиш йўналишлари белгиланди. Жаҳон банкининг кўмаги қўйидаги йўналишларда фаолиятни кучайтиришга қаратилган: (i) касалликнинг тарқалишини, касалланишини ва ўлимни минималлаштириш учун СОВИД-19 билан касалланган bemorларни аниқлаш, изоляция қилиш ва уларга ёрдам ва даволанишини кўрсатиш орқали СОВИД-19 эпидемиясининг фавқулодда муаммоларини ҳал қилиш; (ii) соғлиқни сақлаш тизимининг қисқа муддатли ва узоқ муддатли салоҳиятини интенсив терапия бўйича кучайтириш; (iii) жамоатчиликни СОВИД-19 эпидемияси натижасида юзага келган фавқулодда вазиятларни бартараф этиш бўйича хабардорлигини яхшилаш ва ўргатиш учун самарали мулоқот кампанияларини амалга ошириш.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Жаҳон банки вице-президенти Анна Бъерде бошчилигидаги делегация билан музокаралари (2021 йил 30 сентябр)

Лойиҳанинг биринчи босқичидаги фаолияти асосан тиббий асбоб-ускуналар, тест тизимлари, реагентлар, шахсий ҳимоя воситаларини фавқулодда харид қилиш, шунингдек, алоқа, аҳоли билан ўзаро ҳамкорлик ва қадрлар тайёрлаш соҳасидаги фаолиятни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Кейинчалик, ихтисослаштирилган лаборатория ва шифохоналарда коронавирус инфекцияси билан касалланган bemорларни ПЗР диагностикаси ва даволаш учун тест-тизимларни харид қилиш учун мамлакатимиз ҳукумати томонидан етарли маблағ ажратилиши муносабати билан, лойиҳа маблағларини 35 та туманлараро ихтисослаштирилган муассасалар (Ковид ёки бошқа пандемик инфекциялар фавқулодда авж олган тақдирда тезкор ҳаракат қилиш учун захира қуввати сифатида мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида янги ташкил этилган ўткир юрак-қон томир касаллклари ва политравматик марказлар) салоҳиятини мустаҳкамлаш учун ажратишга қарор қилинди. Ушбу тиббиёт муассасаларида жами 1810 ўрин (шундан 333 таси реанимация ўринлари) ташкил этилади. Туманлараро марказларнинг умумий сонидан 24 та муассаса ўз фаолиятини бошлаган, қолган 11 та марказ яқин ойларда иш бошлайди.



Лойиҳа доирасида умумий қиймати 21,5 миллион долларлик 1115 дона (19 хил) замонавий тиббий асбоб-ускуналар харид қилиниб, лойиҳа обьектларига етказиб берилди, шундан 17,5 миллион доллари лойиҳанинг асосий фонdlари ҳисобидан, 4,0 миллион доллари эса қўшимча ажратилган грант ҳисобидан.

Айни пайтда умумий қиймати 7,1 миллион АҚШ долларига teng юқори технологияли ускуналар (рентген тизимлари, ултратовуш диагностика асбоблари, кўп кесимли компьютер томографияси) етказиб берилиш жараёни кетмоқда. Умумий қиймати 11,5 миллион АҚШ долларига диагностика, умумий касалхона жиҳозлари ва жарроҳлик асбобларини харид қилиш бўйича тендер жараёнлари ўтказилмоқда.

